

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ДЕФЕКТОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Ақли заиф ўқувчиларга алифбени ўргатишда олиб борилади
корекцион ишларни ўрганиш

Бажарди: **Sultanova Dildora**
Mirzaaxmedovna

Илмий раҳбар: п.ф.н., доц. Рахманова В.С.

Мундарижа

Кириш

1боб «Ақли заиф ўқувчиларга алифбени ўргатишда олиб бориладиган коррекцион ишлар» муаммосига доир адабиётлар тахлили.

1.1. Савод ўргатиш усуллари тарихи

1.2. Ёрдамчи мактаб ўқувчилари билиш фаолиятининг ўзига хос ривожланиши хақида

1.3. Ёрдамчи мактабда савод ўргатиш ишларининг ўзига хослиги.

2 боб Ақли заиф ўқувчиларга алифбени ўргатишда олиб бориладиган коррекцион ишлар мазмуни

2.1. Ёрдамчи мактаб она тили дастурида савод ўргатиш ишларига қўйилган талаблар.

2.2. Ёрдамчи мактаб «Алифбе» дарслигининг тахлили.

2.3. Ақли заиф ўқувчиларга алифбени ўргатишда олиб бориладиган коррекцион ишлар холати(тъкидловчи эксперимент тахлили асосида)

3боб Ёрдамчи мактабда савод ўргатиш ишларини такомиллаштириш йўллари.

3.1. Ёрдамчи мактабгача тарбия муассасининг тайёрлов гурухларида ақли заиф болаларни саводга ўргатиш буйича олиб бориладиган коррекцион ишларни такомиллаштириш йўллари.

3.2. Ёрдамчи мактабда савод ўргатиш ишларини такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар.

Хуроса

Адабиётлар

Кириш

Тадқиқотнинг долзарбилиги XXI аср инсонлар орасидаги буюк муносабатлар ривожланган, яъни ўзларининг жисмоний ва илохий кучларини ифодаловчи инсонийлик қарашлари ривожланган асрдир. Инсонпарварлик, тафаккурнинг ўрнатилиши уқитувчи ва ўқувчи орасидаги янгича ўзаро муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

«Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-хунармажорати узлуксиз такомиллашади, катта авлоднинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади.»(И.А.Каримов) Бу сўзлар таълим тизимиға берилган ижтимоий буюртма бўлиб, «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» хамда таълим соҳасида давлат сиёсатида хам ўз ифодасини топмоқда. Жуда катта ижтимоий-сиёсий ахамиятга эга бўлган бу қонун ва дастурда фуқароларга, ёшларга таълим-тарбия бериш, касб-хунара ўргатишнинг хуқуқий асослари, кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришнинг асосий тамойиллари белгилаб берилди.«Соғлом авлодни тарбиялаш,-деган эди Президентимиз Ислом Каримов,- буюк давлат пойдевори, фаровон хаёт асосини қуриш деганидир. Биз тарихан қисқа муддат ичидаги бошқа соҳаларда бўлгани каби, бу борадаги мақсад ва бурчларимизни хам англаб етдик»

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан соғлом авлодни тарбиялашга, маънавий бой, ахлоқий етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, хар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2014 йил»Соғлом бола” дастури тўғрисидаги қарори қабул этилди. «Соғлом бола» давлат дастурининг йўналишларидан бири-ногирон, жисмоний ёки руҳий ривожланишида

нуқсони бўлган болаларни ўрганиб, жамиятнинг тўлақонли аъзоларига айланишлари учун уларга алоҳида шарт-шароит яратиб бериш .

Махсус ёрдамга муҳтож болалар ичидаги ақлан заиф болалар сон жихатдан нисбатан кўпроқучраб туради. Хозирги кунда 86 та махсус ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда 40 мингдан ошикўқувчилар таълим олмоқдалар. Ушбу турдаги таълим муассасаларининг асосий вазифаси ўқувчиларни мустақил хаёт кечиришга тайёрлаш. Ақли заиф болалар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаби ўкув режасидаги савод ўргатиш ишлари таълимий, тарбиявий ва коррекцион ахамиятга эга. Хар бир дарсда боланинг билиш фаолиятидаги камчиликлар коррекцияланади

Ёрдамчи мактаб бошланғич синф ўқитувчилари савод ўргатиш дарсларида ўқувчиларни турли усуллар билан ўқиш ва ёзишга ўргатиб бормоқдалар. Хар хил мактабларда бу ишлар турлича амалга оширилмоқда. Ушбу муаммога доир илмий тадқиқод ишлари кам микдорда олиб борилган, ўқитувчиларнинг иш тажрибалари охирги 10 йил ичидаги умумлаштирилмаган ва махсус методик қўлланмалар яратилмаган. Айрим ўқитувчилар ёрдамчи мактабнинг 1 синфида савод ўргатиш ишларини ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ўстириш ишлари билан қўшиб талаб даражасида амалга оширишда қийналмоқдалар. Юкоридагилардан келиб чиқсан холда биз « Ёрдамчи мактабда 1 синфда ўқувчиларни саводга ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусини долзарб деб топдик ва ушбу мавзу бўйича битирув малакавий ишимизни бажардик.

Тадқиқотнинг максади

Ақли заиф ўқувчиларга алифбени ўргатишда олиб бориладиган коррекцион ишларни ўрганиш

Тадқиқот вазифалари

-Педагогик, психологияник, методик адабиётларда савод ўргатишга доир муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш:

-Ёрдамчи мактаб бошланғич синф ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, ақли заиф ўқувчиларни сводга ўргатиш ишлари қай холатда эканлигини аниқлаш, бу борадаги ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини умумлаштириш.

Тадқиқот усуллари

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан холда малакавий битирув ишини ёзиш мобайнида

- адабиётларни ўрганиш ва тахлил этиш;
- ўқитувчи ва ўқувчилар билан сұхбатлар уюштириш;
- хужжатларни ўрганиш;
- ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини 1 синфда ўқиш ва ёзув дарсларида күзатиши;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини савол-жавоб усуллари билан ўрганиш каби ва бошқа усуллар ишлатилди.

Тадқиқот обьекти

Ёрдамчи мактабнинг биринчи синфларида савод ўргатиш жараёни.

Тадқиқот предмети

Ақли заиф ўқувчиларга алифбени ўргатишида олиб бориладиган коррекцион ишлар мазмуни

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси

Унинг асосий манбаи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Кенгаш, Олий Мажлис қонунлари, хусусан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Президент фармонлари, Вазирлааар Махкамасининг қарорлаи ва хужжатлари, Президентимиз Ислом Каримов асарллари, маъруза ва нутқлари, миллий истиқбол ғояси мафқураси буйича хукумат хужжаатлари тадқиқотнинг назарий асосини ташкил этади.

Буюк Шарқ ва Ғарб аждодларимизнинг алломалари, мутафаккирлари ва олимларининг ўкув, билим фаолияти, таълим-тарбия, мактабда она тили дарсларида ўқувчилар билан олиб бориладиган энг самарали иш услугуб, ёллари, усуллари

тадқиқотимизнинг методологик асосини ташкил этди. « Ақли заиф ўкувчиларга алифбени ўргатишда олиб бориладиган коррекцион ишлар » мавзусидаги малакавий битирув ишимиз Кириш қисми, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат.

1боб «Ақли заиф ўқувчиларга алифбени ўргатишда олиб бориладиган коррекцион ишлар» муаммосига доир адабиётлар тахлили.

1.1. Савод ўргатиш усуллари тарихи

Савод ўргатиш-бу ўқиши ва ёзишига ўргатиш демакдир. Савод ўргатиш ишлари ўқувчиларнинг таълим ва тарбия жараёнида фаол иштирок этишлари, ўқиши мувваффақият билан давом эттиришлари учун зарур бўлган мустаҳкам замин ҳозирланади.

Савод ўргатиш ишлари қанчалик сифатли, пухта амалга оширилса, ўқувчилар шунчалик она тилини ва бошқа ўқув предметларини яхши ўзлаштириб борадилар.

Ўқиши ва ёзиши малакаларини ҳосил қилиш соҳасида илмий жиҳатдан асосланган самарали усулларни қўллаш талаб этилади.

Қисқа муддат ичида ўқувчиларни ўқиши ва ёзишига ўргатиш учун ўзбек тилидаги товушларга ва уларни ёзувда ифода этиш системасига мувофиқ келадиган, маҳсус муассасаса ўқувчиларининг психик хусусиятларини, шунингдек мактабга эндиғина келган болаларнинг ўзлаштириш қобилиятларини ҳисобга олувчи, маҳсус муассасасанинг таълим ва тарбия вазифаларига тўлиқ жавоб бера оладиган усуллар бўлиши керак. Бундай усул-таҳлил таркиб товуш усулидир.

Ҳозирги замон таҳлил-таркиб асосидаги товуш усули ўқувчиларни хар томонлама камол топтириб бериш, дунёқарашни кенгайтириш, маърифатли маънавиятли қилиб тарбиялаб боришни ҳам назарда тутади. Бунинг учун савод ўргатиш ишларини педагогик фанлар асосида, уларнинг принцип, метод, усуллар, ташкилий формаларида амалга ошириш зарур.

Болаларни саводга ўргатиш учун уларнинг психологик хусусиятлари, иш қобилияти, қизиқиши, имкониятлари каби ва бошқа руҳий ҳолатларини ҳисобга олиш мақсаддага мувофиқдир.

Савод ўргатиш усули ўзбек тилидаги товушларнинг фонетик хусусиятларини , уларни ҳосил бўлиш механизмларини, бир-бiri билан қўшилиб бўғин, сўз, гап ясаш қонунларига ва тилда қабул қилинган ҳарф белгилари системасига тўлиқ жавоб беради.

Савод ўргатиш усуллари ўзок йиллик тарихга эга. Савод ўргатишида турли хил усуллар ишлатилган. Шулар ичида энг қадимги усул –бу ҳарфлаб ўқиш усулидир. Бу усул икки минг йил илгари вужудга келган. Бу усул билан ўқиш ва ёзишга ўргатиш ишлари тўрт босқичда олиб борилган: 1.Ҳарфларни, уларнинг номини ёдлаш: 2.Бўғинларни ёд олиш ва улар ичидаги ҳарфларни номлаб, сўнгра тўлиқ бўғинни талаффуз этиш, масалан: бўқи-аз-- ба:

3.Сўзларни китобдан бўғинлаб ўқиш; 4.Китобни сидирғасига ўқиш. Бу усул ёд олиш, тушунмай эсда сақлашларга асосланган бўлиб, савод ўргатиш ишлари 2-3 йилгача чўзилиб кетар эди.

(Аз, Бўқи, веди страшат нас как медведи деган мақол шу қийинчиликлардан келиб чиққан.)

18 асрда ҳарфларнинг номи осонлаштирилса ҳам, яъни агарда олдин аз, бўқи деб номланган ҳарфлар эндиликда а,б каби номланса ҳам, савод ўргатиш ишларига кўп вақт сарфланар эди.

Ўзбекистонда эски мактабларда революцияга қадар И.Абдуллаев кўрсатишича, бўғин усули билан ўқишга ўргатилган. Бу усулда савод ўргатиш уч босқичга бўлинган: 1. Ҳарфларнинг номини ёдлатиш. Бунда барча ҳарфлар ёд олинган. Бундай арабча 28 ҳарфнинг ёлғиз ёзилиш шакли алфавит тартибида тахтачага ёзиб берилган. Болалар шу ҳарфларни домлага тақлид этиб, механиқ равишида кетидан алиф, бе, те деб тақрорлаганлар. Лекин амалда уларни бир-биридан ажратиб кўрсата олмаганлар.

2.Бўғин ҳосил қилиш. Бу босқичда арабча ҳарфларнинг белгилари, яъни “зебу-забар” куруқ ёдлатилган, масалан, бе-забар--ба, бе-зер--би, бе-пеш--бу, те-забар--та, те-зер--ти ва хаказо. 3.Бўғинларни

қўшиш. Бўғин ҳосил қилишни ўрганган болаларнинг қўлидаги арабча ҳарфлар ёзилган тахтачанинг иккинчи томонига домла “абжадни” яъни арабча 28 ҳарфни саккизта сўз таркибида ёзиб берган. Масалан, абжад сўзи алифга забар қўйиб, бе га уриштирилса, жимга забар қўйиб, долга уриштирилса, жад. Буларнинг иккисидан абжад ҳосил бўлган. Бу саккизта сўз, яъни абжадни бирин-кетин болаларга ёдлатилгач, “Ҳафтияқ” (эски мактаб ўқиш китоби) ни бир икки йил ўқитилган. Аммо “ҳафтияқ” қадимги араб тилида ёзилган бўлиб, мазмунига болалар тушунмас эдилар, уни қуруқёд олардилар. Ҳафтияқ ўқиб бўлингач, “Қуръон” “Чор китоб”, ҳамда А.Навоий, хўжа Ҳофиз, Фўзулий ва Сўфи Оллоёрнинг асарлари ўқитилган.

Ёд олиш методи эски мактабларда асосий усуллардан бири бўлганлиги туфайли, ўқитувчи китобларнинг мазмунини тушунтирмасдан, қуруқ ёд олдиради, шу билан бирга, ўқувчидан ўқишида талаффуз ва оҳангга эътибор беришни талаб қиласди.

Китоб икки усулда-якка ва колектив ҳолда баланд овоз билан ўқитилган. Бу икки усул орқали болалар сўзларни тўғри талаффуз этишга, шеърий асарларни ифодали ўқишига-ритм,

қофия, радиф ва туроқларга алоҳида эътибор бериб ўқишига ўрганадилар. Эски мактаблардан фақат айримларларида ўқувчилар ўқиши билан бирга хат ёзишига ҳам ўргатилган. Болалар олдин алифбени катта қилиб ёзганлар ва бундай ёзув муфарод (сарҳат) деб аталган. Ёзиш машғулотидан кейин ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш бошланган ва унга мураккабод деб ном берилган. Лекин ўқиши ва ёзиши бир-бирига боғлаб ўргатилмаган.

Мадрасаларда талабаларни группаларга бўлиб ўқитишган.

Ҳар бир гуруҳда маълум бир талаба китобни ўқииди, бошқалар тинглайди. Китоб ўқиган талаба гуруҳ “кориси” деб аталади. Қори ўқиган парчанинг маъносини мударрис тушунириб беради. қулоғи билан эшигадиган радио, магнит дискаларидан;

аудио-видео-мультфильм, кинофильмлардан фойдаланади. Лекин бу воситалар албатта ўрганилаетган грамматик материалга мос бўлиши, ўкув ишининг самарадорлигини оширишга ёрдам бериши керак. Дарслик ўқитишнинг энг асосий ўқитув воситаси бўлиб ҳисобланади, чунки унда ўқувчилар учун керакли маълумотлар, машқ ва топшириклар пухта ишланган бўлади.

Туркистоннинг эски мактабларида қуруқ, догматик таълим ҳукмронлик қилди. Таълимдаги бу догматизм болаларни саводсиз бўлиб қолишига сабаб бўлди. Жамият тараққий этиши билан илғор кишилар таълим ва тарбия соҳасида ҳукм сўрган формализмга қарши янги фикрлар билан майдонга чиқиб, ёш авлодни тарбиялашга эътибор бера бошлайдилар. 19 асрнинг иккинчи ярми ва 20 аср бошларида яшаб ижод этган ўзбек ва тожик маърифатпарварлари-Ахмад Доњиш, Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар, Фурқат ўзлариниг илмий ва бадиий асарларида мактаблардаги ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, мазмун ва усулларига қарши норозилик билдирадилар. Шу даврларда рус-тузем мактабининг ўзбекча синфларида аста-сёкин товуш методида савод ўргатишга ўтила бошланди.

Савод ўргатища товуш методининг такомиллашган вариантини К.Д.Ушинский яратган. У болани ҳар томонлама ривожлантириш вазифасидан келиб чиқиб, ўқиш ва ёзишга ўргатища анализ ва синтезни бирга қўшиб олиб бориш зарурлигини таъкидлаган.

К. Д. Ушинскийнинг савод ўргатиш системаси ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, айниқса, унинг: 1.Сўздан маълум бир товушни топиш; 2.Берилган товуш қатнашган сўз танлаш;

3.Сўзни бўғинга ва товушга ажратиш; 4.Товушлардан сўз тузиш; 5.Сўздаги бир унли ёки ундош товушни бошқаси билан алмаштириш (дон,нон,кўз,кўз,ака,ука); 6.Сўзнинг боши ёки охирига товуш кўшиб янги сўз ҳосил қилиш (осмон-сомон, кўз-кўза, тилак-калит)каби иш усулларидан ҳозирда ҳам кенг фойдаланилади.

Анализ-синтез товуш методи К.Д.Ушинскийнинг шоғирдлари томонидан такомиллаштирилди. Методистлардан А.В.Янковская, С.П.Рёдозубовларнинг илмий ишларида ушбу методика илмий жиҳатдан асосланиб мукаммал ишлаб чиқилди. Ушбу методикага асосланган ҳолда барча республикаларда миллий дарсликлар, методикалар яратилди.

Ўзбек тилида хат савод ўргатиш ишларини такомиллаштиришда алифбешунос О.Шарафитдинов, Фахри Камол, Й.Абдуллаев, О.Омилхонов, Қумри Абдуллаева, Х.Фофурова, Т.Фоффорова ва бошқаларнинг ҳиссаси катта. Ҳозирги кунда савод ўргатишида анализ-синтез товуш усули қўлланмоқда. Анализ- таҳлил, синтез таркиб, бириктириш жараёнлари савод ўргатиш усулининг асосидир. Нутқдан гапларни, гапдан сўзларни, сўздан бўғинларни, бўғиндан товушларни ажратиб олиш, таҳлил ва аксинча товушлардан бўғин, бўғинлардан сўз, сўзлардан гап, гаплардан жумла, жумлалардан матн тузиш синтез асосида олиб борилади. Ўзбек лотин ёзувида ҳар бир жонли нутқдаги товушнинг ёзувдаги мустақил белгиси ҳарфи мавжуд. Аммо сўзларда товуш билан ҳарф ҳар вақт ҳам мос келавермайди. Саводли ўқувчи сўздаги товушларни ҳарфга алмаштириб ёзади, ўқиганда эса, аксинча ҳарфларни товушга айлантиради.

Савод ўргатиш ишларини тўғри уюштириш учун товуш билан ҳарф ўртасидаги фарқни аниқ билиш зарур. Товуш билан ҳарф ўртасидаги муносабат турлича бўлади. Бироқ баъзи сўзлар

да товуш сони ҳарф сонидан кам. Янги ўзбек алифбосида лотин ёзувида 26 ҳарф бор, учта нутқ товуши эса ҳарфлар бирикмаси билан ифодаланади." Мактаб таълимида ўзбек алифбосида 29

ҳарф бор" ифодасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Шу ҳарфлардан олтитаси унли товушларни, 23 таси эса ундош товушларни

кўрсатади. Унли нутқ товушларининг бештаси 5 хил ҳарф билан ифодаланади. (е, а, о, и.). Биттаси эса о ҳарфига кўчиш белгисини

күшишбилан кўрсатилади. Матнларда эса ҳарфнинг ўнг томонига юқори қисми “тескари вергул” ишораси шаклида

бўлади. Ундош 18 товуш 18 ҳарф билан белгиланади. Ёзувда иккитаси икки нутқ товушини билдиради.

Савод ўргатишда ўқитувчининг дастлабки вазифаси болаларни товушларни бир-биридан ажратади олишга ўргатиш, фонематик эшитишни ривожлантиришдан иборатдир. Бу ишлар турли хил ўқитув воситалари ёрдамида амалга оширилади: расмлар, шартли белгилар, кесма ҳарфлар, бўғин сўз, гап жадваллар ва бошқалар.

1.2. Ёрдамчи мактаб ўқувчилари билиш фаолиятининг ўзига хос ривожланиши хақида

Ақли заиф болалар улар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаблар Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида ўзиги хос ўринга эга. Ушбу турдаги мактабнинг ўқув режасида энг кўп соат она тили дарсларига ажратилган. Она тили дарсларида таълимий ва тарбиявий ишлардан ташқари ўқитувчи боланинг билиш фаолиятидаги камчиликларини изчиллик билан коррекциялаб, тузатиб бориши лозим. Бу ишлар олигофренопедагогиканингтамоиллари, усул хамда ташкилий формалари асосида, олигопсихологияга таянган холда амалга оширилади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчилари билиш фаолиятининг ривожланиш хусусиятлари олигофренопсихология фанида мукаммал ўрганилган. С.Ш.Айтметованинг «Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг психик ривожланиш хусусиятлари»номидаги китобида ақли заиф ўқувчиларнинг тафаккури, идроки, хотираси, диққати, нутқи, тасаввури ва билиш фаолиятининг бошқа томонлари батафсил ёритиб берилган.

Муаммонингпсихологикасослари

Б.Г.Ананьев, Д.Б.Богоявленский, Л.С.Виготский, В.Давидов.,
Ф.А.Тализина, Д.В.Эльконин., С.Я.Рубинштейн, Л.Р.Лурия каби ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида ўзининг аниқ ифодасини топган. Уларнинг фикрича, ақлий ривожланишида камчиликлари бўлган болаларнинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган холда тълим-тарбия ишларини ташкил этиш, такомиллаштириш мумкин. Ақли заиф ўқувчиларнинг билиш фаолияти ўзгача бўлсада, унинг потенциал ички имконияти баланд. Тўғри ташкил этилган коррекцион ривожлантирувчи таълим тарбия жараёнида ёрдамчи мактаб ўқувчиларига мустақил хаётда зарур бўлган хажмдаги билим, кўникма ва малакаларни ўргатиш мумкин. Махсус шароитда ва маҳсус усуллар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари орқали ақли заиф болаларнинг билиш фаолиятидаги

камчиликлари бартараф этилади, психофизиологик ва жисмоний ривожланишидаги камчиликлари коррекцияланади, бартараф этилади.

Олигофренопсихологларнинг таъкидлашича.(Занков Л.В, Пинский Б.И., Петрова, В.Г., Белякова И.А., Рубинштейн С.Я., Айтметова С.Ш. ва бошқалар) ақли заиф болаларнинг кузатиш, таққослаш, идрок қилаётган нарсаларнинг, воқеа-ходисаларнинг мухим томонларини ажратиб кузатиш, булар ўртасидаги энг оддий сабаб-натижасибоғланишларини фахмлаб олиш қобилиялари ривожланмай қолади. Ақли заиф болаларнинг тафаккури, диққати, сезги ва идроклари, хотираси, анализ ва синтез қилиш қобилиялари хам яхши ривожланмаган бўлади. Савод ўргатишнинг дастлабки давридаёқ бу болалар товуш ва харф ўртасидаги боғланишларнинг фарқига яхши бормай, харфларни эслаб қолиш, бўғинлаб ўқиш, онгли, тўғри, тез ўқиш малакаларини ўзлаштиришда қийналадилар, жуда кўп хатоларга йўл қўядилар.

Нерв жараёнлари мувозанати, билиш фаолиятининг бузилганлиги натижасида ақли заиф болаларнинг хулқ-авторида хам бир қатор камчиликар кузатилади. Қўзғалиш ва тормозланиш ўртасидаги мувозанат бузилганлиги туфайли айrim болалар хаддан ташқари жонсарак, серхаракат, шўх бўладилар ва аксинча, тормозлаш жараёни устун турган болалардаэса пассивлик, бўшанглик, бепарволик, хеч нарсага қизиқмаслик кузатилади ва хоказо.

Ақли заиф болалар вазиятни етарли даражада англай олмайдилар, хатти харакатларини вазиятга қараб, адекват ўзгартира олмайдилар. Уларда ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан танқидий муносабат бирмунча суст бўлади.

Юқорида кўрсатилган билиш фаолиятидаги бир қатор камчиликларига қарамай, ёрдамчи мактаб ўқувчилари билан тўғри ташкил этилган маҳсус таълим-тарбия ишлари натижасида уларни саводга ўргатиш, мустақил хаётга тайёрлаш, касб-хунарга ўргатиш

борасида катта ютуқларга эришиш мүмкин. Махсус ақли заиф болалар учун мұлжалланган ихтисослаштирилған мактабни битириб чиққан ақлан заиф болалар ихтисослаштирилған колледжларда таълимни якунлаб, хаётда ўз ўрнини топиб, саноат хамда қишлоқ хўжалик, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида, майший хизмат соҳасида фаол меҳнат қилиб, хамма қатори яшамоқдалар.

Аммо айримақли заиф болалар учун мұлжалланган ихтисослаштирилған мактабларда таълим-тарбия жараёнига қўйилған талаблар етарли даражада бажарилмоқда деб айта олмаймиз, афсуски. Ўзбекистонда ёрдамчи мактабда биринчи синф ўқувчиларини саводга ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари савод ўргатиш ишларни такомиллаштириш муаммоси бўйича илмий тадқиқод ишлари кам олиб борилган, ўқитувчилар методик қўлланмалар билан етарли даражада таъминланмаган.

1.3.Ёрдамчи мактабда савод ўргатиш ишларининг ўзига хослиги.

Ақли заиф болалар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактабда барча ишлар коррекцион йўналишда амалга оширилади. Савод ўргатиш дарслари коррекцион ишларни амалга ошириш борасида энг қулай предмет бўлиб хисобланади. Бу турдаги муассасада савод ўргатиш дарсларининг асосий вазифаси ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларини хисобга олган холда ўқиши ва ёзишга ўргатиш, хаётида зарур бўлган хажмдаги билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириб, хамма қатори мустакил хаёт кечиришларига тайёрлаш. Ёрдамчи мактабда она тили дарсларида ўқувчилар ўқиши ва ёзишни ўрганадииллар, уларнинг оғзаки хамда ёзма нутқи ривожлантирилади, таълим тарбия жараёни коррекцион йўналишда амалга оширилади, яъни ўқитиш ва тарбиялаш вақтида боланинг жисмоний ва руҳий ривожланишидаги камчиликлари тузатилиб, коррекцияланиб боради. Ёрдамчи мактабда ўқийдиган ўқувчиларнинг кўпчилигига марказий нерв системасининг органик жарохатланиши натижасида билиш фаолияти турғун бузилган бўлади, яъни уларнинг барча психик жараёнлари яхши ривожланмаган бўлади. Коррекцион ишлар жараёнида ўқувчиларнинг тафаккури, идроки, хотираси, дикқати, нутқи, тафаккури, хиссиёти ва бошқа психик жараёнлари ривожлантирилади.

Нутқ ва тафаккур бир бири билан узвий боғлиқ бўлган психик жараёндир. Боланинг билиш фаолияти, фикрлаш қобилияти, тафаккури нутқўстириш ишлари орқали ва шулар асосида коррекцияланади. Шундай килиб, ақли заиф болалар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактабларида таълим тарбия жараёни коррекцион ривожлантирувчи ахамиятга эга, хар бир дарсда таълимий ва тарбиявий

ишилардан ташқари албатта боланинг билиш фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш, коррекциялаш ишлари амалга оширилади.

2 боб Ақли заиф ўқувчиларга алифбени ўргатишда олиб бориладиган коррекцион ишлар мазмуни

2.1.Ёрдамчи мактаб она тили дастурида савод ўргатишиш ишларига қўйилган талаблар.

Ақли заиф болалар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаби ўқув режасида энг кўп соат она тили дарсларига ажратилган бўлиб, она тили дарслари жадвалда нутқўстириш, ўқиш, ёзув,она тили деб номланади. Ушбу предметллар 1-9 синфларда ўтказилади.Ёрдамчи мактабда она тили дарсларининг вазифаси; ўқувчиларни ўз фикрларини, кўрган-кечирғанларини оғзаки ва ёзма нутқ орқали атрофдагиларга баён этишга ўргатиши, уларнинг билим доираларини кенгайтириши, хаёт хақидаги тушунча ва тсаввурларини бойитиши, уларнинг маънавиятини юксалтиши. Таълимий ва тарбиявий иишлардан ташқари, ёрдамчи мактабда барча дарсларда коррекцион ишлар кенг тарзда амалга оширилади. Ёрдамчи мактаб она тили дастурининг барча бўлимларига нутқ устиришиш ишлари- коррекцион иш сифатида берилган. Дастурдаги талабларни амалга оширишда нутқ ўстиришиш ишлари асосий ўрин тутади, чунки боланинг билиш фаолиятидаги камчиликлар нутқ устиришиш орқали бартараф этилади, шу иш асосида коррекцион ишлар амалга оширилади.

Нутқ ва тафаккур бир бири билан узвий боғлиқ бўлган психик жараёнлар. Уларнинг биридаги нуқсон иккиинчисига албатта таъсир кўрсатади. Оғир нутқий нуқсонли болаларнинг билиш фаолиятидаги камчиликлар иккиламчи ходиса сифатида кузатилади. Нутқ нуқсони бартараф этилгани сари боланинг билиш фаолиятидаги камчиликлари хам йўқолиб боради. Ва аксинча, ёрдамчи мактаб ўлувчиларининг марказий нерв системасидаги органик жарохатланиши натижасида билиш фаолияти турғун бузилган бўлади ва унинг оқибатида боланинг нутқида иккиламчи ходиса сифатида нутқ нуқсонлари кузатилади.

Боланинг билиш фаолиятидаги нуқсонлари бартараф этилгани сари, нутқидаги камчиликлар хам камайиб боради.

Ёрдамчи мактабда савод ўргатиш ишлари биринчи синфда йил мобайнида олиб борилади. Биринчи синф дастури икки бўлимдан иборат: алифбегача бўлган тайёргарлик даври ва алифбе даври. Алифбегача давр бир чорак мобайнида 24 соат хажмида ўтказилади. Бу даврнинг асосий вазифалари - ўқувчиларни дастлабки ўқиш ва ёзиш малакаларини ўзлаштиришга тайёрлаш.

Тайёрлаш ишларига: болада ўқишга қизиқиш ўйғотиш, ўз кучига ишонч хоси қилиш, таълим жараёнига киритиш, хар бир боланинг умумий ва нутқий ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, оғзаки нутқини ўстириш, эшитиш идрокини ривожлантириш, кўриш идрокини ўстириш, майда қўл мускулларининг харакатчанглигини ошириш ишлари киради.

Алифбегача давр тайёрлов ёки пропедевтик давр деб ҳам юритилади. Ушбу даврнинг асосий вазифаси болаларни хат савод ўргатишга тайёрлаш. Бу даврда олиб бориладиган ишларнинг мазмуни ёзма нутқ механизмларидан келиб чиқади.

Ёзма нутқ оғзаки нутқ асосида шаклланади. Боланинг эшитиш анализатори, кўриш анализатори фаолияти, майда қўл мускулларининг харакатчанлиги яхши бўлиши керак. Бундан ташқари, болани ўқув фаолиятига киритиш, ўқишга қизиқиш ўйғотиш, болаларни ёш ҳамда индивидуал хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Алифбегача ва алифбе даврда оғзаки нутқнинг функционал системаси ўрганилади ва такомиллаштирилади. Болалар билан сабзавот мева, кийим, ўқув қуроллари, транспорт каби ва бошқа мавзулар бўйича сухбатлар уюштирилади, анализ синтез малакалари ривожлантириб борилади. Эшитиш анализаторини ривожлантириш ишлари икки йўналишда: нутқдан ташқари товушлар асосида ва нутқ товушлари-

фонемалар асосида эшитиш диққати, хотираси, фонематик ўқуви ривожлантирилади.

Кўриш анализатори фаолиятини ривожлантириш ишлари ранг, шакл ҳажм, ўзоқ-яқинлиги, катта-кичиклигини ажратиш, кўриш диққати, хотирасини ўстириш, кузатувчанлигини ривожлантириш, фазовий идрокни ўстиришлардан иборат бўлиши керак.

Боланинг умумий моторикаси қанчалик яхши бўлса, унинг нутқий моторикаси ва майда қўл мускуларининг ҳаракатчанлиги шунчалик яхши бўлади. Демак, алифбегача даврда боланинг моторикасини яхши йўлга қўйиш, айниқса майда қўл мускуларининг ҳаракатчанглигини ўстириш муҳим ахамиятга эга.

Биринчи синф дастурининг иккинчи бўлимини алифбе даври ташкил этади. Бу даврда ўқувчилар товуш-ҳарфларни таҳлил-таркиб асосидаги усул билан ўзлаштирадилар. Ёрдамчи мактабда товуш - ҳарфларни, бўғин ҳамда сўзларни ўргатиш тартиби ўзбек тилидаги товушларнинг фонетик хусусиятлари, яъни ҳосил бўлиш ўрни, усули, талаффузи, бўғинга бирикиши ва бошқалар ҳамда ақли заиф болаларнинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ёрдамчи мактаб 1 синф ўқувчилари товушларни эшитиш йўли билан нутқдан ажратса оладиган, уларни аниқ ва тўғри талаффуз этадиган,

бошқа товушлардан фарқлай оладиган бўлиши керак. Ҳар бир ҳарф ёрдамчи мактабда қуйидаги тартибда ўргатилиши мақсадга мувофиқdir:

- 1.Гап тузиб, унинг ичидан ўрганиладиган ҳарф иштирокидаги сўзни ажратиб олиш;

2. сўз ичидан товушни ажратиб олиш ва унинг ўрнини аниqlаш;

- 3.товушнинг артикуляцияси, яъни қандай талаффуз этилиши (ҳаво оқими қандай чиқади, лаблар қай ҳолатда, тил учи қаерда турибди, ун пайчалари тебраниши ёки тебранмаслиги)аниqlанади;

- 4.бир неча сўз, бўғин ичидан товушни ажратиб олиш, ўрнини аниқлаш;
- 5.товушнинг ёзувдаги белгиси -ҳарф шакли билан таништириш;
- 6.товуш ва ҳарфни солиштириш;
- 7.ҳарфни аввал ёпиқ, сўнгра очик бўғинларда қўшиб, бир нафас чиқаришда ўқиши.

Онгли бўғинлаб ўқишига ўргатиш мақсадида расмлар устида ишлаш, алифбе дарслигидаги ҳар бир бетни тўғри ўқиши ишлари олиб борилади. Савод ўргатиш ишларининг мураккаблигини инобатга олиб, ишни соддадан мураккабга қараб ташкил этиш муҳимдир.

Ёзув дарсларида дастлаб тўғри таёқчалар, илмоқ, овал ва шулар иштироқидаги ҳошияларни ёзишига одат қилиб, сўнгра ҳарф элементлари, бош ва кичик ҳарфлар билан таништирилади.

Махсус муассасаларда савод ўргатиш дарсларида кесма ҳарфлар, бўғинлар, ҳарфлар териш тахтаси, бўғин, сўз жадваллари, шартли белгилар доимий равишида ишлатилиши шарт.

Алифбегача даврдан бошлаб, ўқитувчи тиббий-педагогик комиссия томонидан берилган маълумотларни хар томонлама ўрганиб, болаларни дарсда ва дарсдан ташқари вақтда кузатиб, ўқувчиларни хар томонлама ўрганади, савод ўрганишга тайёргарлик даражасини аниқлайди. Бунинг учун хар бир ўқувчининг умумий ривожланганлиги даражаси, талаффузи, луғати, ўқиши ва ёзиши малакаларининг холати аниқланади. Сетябрь ойининг биринчи кунлариданоқўқувчилар нутқини ўстириш ишлари хам бошланиб юборилади. Бунда нутқининг фонетик томони, яъни товушлар талаффузидаги камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш ишлари бошлаб юборилади. Нутқида мураккаб нуқсони бор болалар билан логопедик ишлар олиб борилади. Нутқўстириш жараёнида ўқувчиларнинг сўз бойлигини аниқлаб, уни кенгайтириш, бойитиши, фаоллаштириши ишлари хам фаол амалга оширилади. Пропедевтик даврда болаларнинг боғланган оғзаки нутқи хам ривожлантириб борилади. Теварак-атрофдаги нарса ва ходисалар

юзасидан турли саволлар беришга, мулоқат нутқини ўстириш мақсадида сухбат, экскурсия, кузатишлар уюштирилади. Ўкувчилар фаолияти асосида улар бажараётган ишлари, нима қилмоқчи бўлганликлари, синфда, мактабда ва мактабдан ташқари жойларда кўрган, эшитганлари хақида гапириб беришга ўргатиб бориш талаб этилади.

Нутқўстириш жараёнида эртак, шеър, топишмоқ, тез айтишлар устида ишлаб, ўкувчиларнинг хотирасини ўстириш, ёд олдириш, кичик хажмдаги асарларни сахналаштириш машғулотлари уюштирилади. Барча ишлар дидактик ўйинлар орқали амалга оширилиши талаб этилади.

Ёрдамчи мактабда савод ўргатиш дарсларида тилга оид материалларни тахлил қилишга ўргатиш орқали ўкувчиларнинг ақлий ва нутқий қобилияти ўстирилади. Ўкувчилар сўзнинг фонетик тузилиши, сўзни бўғинларга бўлиш, маъноли қисмларга ажратиш, айрим сўз туркумлари ва уларнинг мухим белгилари билан танишадилар, гап ва гап бўлаклари хақида маълумот оладилар, маҳсус мавзуларга алоқадор имло ва тиниш белгилари қоидаларини ўрганадилар.

Дастурда ўкувчиларни сўзнинг лексик маъноси, кўп маъноли, маъно жихатидан бир-бирига яқин маънодош сўзлар билан таништиришга алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга ўкувчиларда нутқни тинглаш иқтидори ўстирилади, адабий тилда мулоқатда бўлиш кўнилмалари хосил қилинади, тилнинг асосий белгиларига –товуш, сўз, гапга онгли муносабатда бўлишга ўргатилади.

Ақли заиф ўкувчиларда кузатиладиган фонетико-фонематик характердаги нуқсонлар, нутқнинг умумий ривожланиши ва грамматик компонентдаги нуқсонлар саводни ўзлаштирилишини анча қийинлаштиради. Шуни хисобга олиб, “Ёрдамчи мактаблар учун она тили, ўқиш ва нутқўстириш” дастурида алифбегача даврдан бошлаб, кейинчалик барча синфларда товуш-харфларни тахлил қилиш, луғат устида олиб бориладиган ишларга жуда катта эътибор берилган.

Ўқувчилар товушларни идрок этиш ва талаффуз қилишга , бир биридан ажратиш, анализ ва синтез қилишга, овознинг кучайиши ва пасайишини назорат қилишга, пауза қилишга урганадилар, унли ва ундош, жарангли ва жарангсиз товушларни фарқлашга ўрганадилар. Даструрнинг савод ўргатиш бўлимида ўқувчилар нутқ товушларини эшитиб ва талаффуз қилиб, уларни бир биридан фарққиладиган холатларни, адабий тил талаффузи қоидаларини ўрганадилар. Сўзни фонетик ва морфологик тахлил қилишга асосланувчи имло қоидаларини ўзлаштирган холда хатосиз ёзиш қўникма ва малакаларини хосил қилиш ишларига хам даструрда алоҳида ўрин ажратилган. Амалий машқлар асосида ўқувчилар буюм ва нарсаларнинг номи, харакати, сифатини билдирадиган сўзларни ўзлаштириб оладилар. Сўз воқеликдаги буюм ёки ходисани ифодалаб, маъно билдиришини, гап таркибида, айниқса, боғланишли матнларда янги-янги маъно касб этилиши мумкинligини, шакл жихатдан турлича бўлган сўзлар бир хил ёки яқин маъно билдиришини, шунингдек, баъзи сўзларнинг маъно жихатидан бир-бирига қарама-қарши бўлишини ўрганадилар, фикрни анниқ ифодалаш учун маъно жихатидан мос сўзни танлаш зарурлигини англаб оладилар. Лексик машқлар биринчи синфданоқ бошланиб, мунтазам равишда изчилиллик билан мантиқий машқлар билан қўшиб олиб борилади. Даструрнинг "Сўз таркиби" бўлимида ўқувчиларга ўзак ва ўзакдош сўзлар хақида тушунча берилади, сўзларнинг ясалиши хақидаги тасаввурлари кенгайтирилади. Улар ўзак, сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи қўшимчаларни ажратиш, ўзакларни бир бири билан қиёслаш, таркиби билан ўхшаш ўзакларни нутқда тўғри ишлата олиш қўникмаларини эгаллаб олишлари лозим.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг боғланишли оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш ишлари ақли заиф боланинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган холда белгиланган. Товуш ва сўзларни аниқ, тўғри талаффуз этишга ва ёзишга, луғатни бойитиш, нутқни грамматик томондан тўғри ифодалаш, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма шаклда баён

этишга ўргатишга алохидар эътибор берилган. Бунинг учун саволга жавоб қайтариш, расмлар тагига ёзиш, берилган сўзларан гап тузиш каби ва бошқа турдаги ишлар уюштирилиши тавсия этилган.

Шундай қилиб, ёрдамчи мактаб она тили дастуридаги «Савод ўргатиш» бўлимининг тахлили шуни қўрсатдики, ақли заиф болалар она тили дарсларида ўзлаштириши лозим бўлган барча билим, кўникма ва малакалар нафақат таълимий ва тарбиявий, балки коррекцион ахамиятга хам эга. Хар бир дарсда боланинг билиш фаолиятидаги камчиликлари изчиллик билан бартараф этиб борилади.

Ёрдамчи мактабнинг биринчи синфиға келган бола етти ёшга тўлишига қарамай, халича савод ўзлаштиришга тайёр эмас. Алифбегача давр ёрдамчи мактабда мухим ахамиятга эга. Бу даврда ақли заиф болаларда ўз вақтида тўлиқ ривожланмаган оғзаки нутқни ўстириш, кўриш идроки, эшитиш идроки, майда қўл мускуллари харакатидаги камчиликларни бартараф этиш ва ривожлантириш, дастлабки ўқиш ва ёзиш малакаларини ўзлаштириш учун зарур бўлган анализ-синтез малакаларини ривожлантириш, кузатувчанглик, хотира, дикқат, тафаккур каби ва бошқа психик жараёнларни ривожлантириш талаб этилади.

2.2. Ёрдамчи мактаб «Алифбе» дарслигининг тахлили

2007 йилдан бери ёрдамчи мактабда савод ўргатиш ишлари М. Каҳрамонова муаллифлигига яратилган ёрдамчи мактаблар учун «Алифбе» дарслиги асосида амалга оширилмоқда. Ушбу дарслик 2004 йилда «Ўқитувчи» нашриётида хамда 2007 йилда иккинчи марта чоп этилган. Дарслик Ёрдамчи мактаблар учун она тили, ўқиши ва нутқўстириш дастури(1-9 синф)даги “Савод ўргатиш” бўлими даги талаабларга мос равишда тузилган. Дарслик икки қисмдан иборат. Биринчи қисм алифбегача даврни амалга ошириш учун хизмат қиласди.

Алифбегача давр тайёрлов ёки пропедевтик деб ҳам юритилади. Ушбу даврнинг асосий вазифаси болаларни хат савод ўргатишга тайёрлаш. Бу даврда олиб бориладиган ишларнинг мазмуни ёзма нутқ механизмларидан келиб чиқади. Муаллиф Каҳрамонова М. ёзма нутқ оғзаки нутқ асосида шаклланишини хисобга олиб, боланинг эшлиши анализатори, кўриш анализатори фаолияти, майда қўл мускулларининг ҳаракатчанлиги ривожлантиришга қаратилган иш турларини қўллаб, дарсликнинг биринчи бетидан бошлаб предметли, сюжетли, серияли сюжетли расмлар, ўйин ва топшириқларни дарсликнинг бу қисмига кенг киритган. Бундан ташқари, болани ўкув фаолиятига киритиш, ўқишига қизиқиши ўйғотиши, болаларни ёш ҳамда индивидуал хусусиятларини ўрганиш муҳимлигини хисобга олиб, турли сюжетли расмлар киритилган.

Алифбегача даврда оғзаки нутқнинг функционал системасини шакллантириш ва такомиллаштириш учун қулай материааллар киритилган. Болалар билан сабзавот, мева, кийим, ўкув қуроллари, транспорт каби ва бошқа мавзулар бўйича суҳбатлар уюштирилиши учун хар бир бетда сюжетли ва предметли расмлар киритилган. Ўқувчиларнинг анализ синтез малакалари ривожлантириш мақсадида шартли белгилар, бўғин, сўз, гап схемалари, жадваллар кенг ишлатилган. Бу ишларни амалга ошириш учун дарсликда материаллар

изчиллик билан, соддадан мураккабга қараб берилган. Хар бир бетда бола учун таниш бўлган мавзулар бўйича нутқўстириш ишларини амалга оширишга хизмат қиласиган сюжетли расмлар берилган. Эшитиш анализаторини ривожлантириш ишлари икки йўналишда: нутқдан ташқари товушлар асосида ва нутқ товушлари-фонемалар асосида эшитиш диққати, хотираси, фонематик уқуви ривожлантирилади. Ушбу дастур талабидан келиб чиқкан холда алифбе муаллифи ақли заиф ўқувчиларнинг эшитиш диққати, хотирасини масалан, «Уй хайвонлари», «Паррандалар» мавзуси бўйича берилган расмлар асосида ривожлантиришни мақсад қилиб қўйган. Кўриш анализатори фаолиятини ривожлантириш ишлари ранг, шакл, ҳажмни, буюмнинг ўзок-яқинлиги, катта-кичиклигини ажратиш, кўриш диққати, хотирасини ўстириш, кузатувчанлигини ривожлантириш, фазовий идрокни ўстиришлардан иборат бўлиши кераклигини хисобга олиб, олтинчи бетдан бошлаб геометрик шакллар, рангли предметлар, геометрик шакллардан иборат расмлар ва бошқалар киритилган.

Боланинг умумий моторикаси қанчалик яхши бўлса, унинг нутқий моторикаси ва майда қўл мускулларининг ҳаракатчанлиги шунчалик яхши бўлади. Демак, алифбегача даврда боланинг моторикасини яхши йўлга қўйиш, айниқса майда қўл мускулларининг ҳаракатчанлигини ўстириш талаб этилади. Ушбу талабдан келиб чиқкан холда биринчи синфнинг қўл меҳнати, расм, жисмоний тарбия дарсларида олиб борилиши лозим бўлган ишлар учун маълум материаллар берилганки, ўқитувчи маҳорат билан предметлари аро боғланишларни амалга ошириш имкониятига эга.

Биринчи синф дастурининг иккинчи бўлимини алифбе даври ташкил этади. Бу даврда ўқувчилар товуш-ҳарфларни. таҳлил-таркиб асосидаги усул билан ўзлаштирадилар. Алифбе дарслигига товуш ва ҳарфларни, бўғин ҳамда сўзларни ўргатиш тартиби ўзбек тилидаги товушларнинг фонетик хусусиятлари, яъни ҳосил бўлиш ўрни, усули,

талаффузи, бўғинга биринши ва бошқалар ҳамда ақли заиф болаларнинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиши учун қулай. Бола товушни нутқдан ажрата оладиган, уни аниқва тўғри талаффуз этадиган, бошқа товушлардан фарқлай оладиган бўлиши керак. Дарсликнинг хар бир бетида хар бир ҳарф қуидаги тартибда ўргатилиши кўзда тутилган :Расмга қараб гап тузиш, гап ичидан сўзларни ажратиш, сўз ичидан бўғинни-товушни ажратиб олиш ва унинг ўрнини аниқлаш; товушнинг артикуляцияси, яъни қандай талаффуз этилиши (ҳаво оқими қандай чиқади, лаблар қай ҳолатда, тил учи қаерда турибди, ун пайчалари тебраниши ёки тебранмаслиги); бир неча сўз, бўғин ичидан товушни ажратиб олиш, ўрнини аниқлаш; товушнинг ёзувдаги белгиси -ҳарф шакли билан таништириш; товуш ва ҳарфни солиштириш; ҳарфни аввал ёпиқ, сўнгра очик бўғинларда қўшиб, бир нафас чиқаришда ўқиши. Онгли бўғинлаб ўқишига ўргатиш мақсадида расмлар устида ишлаш, алифбе дарслигидаги ҳар бир бетни тўғриўқиши ишларини амалга ошириш учун хизмат қиласидаги материаллар дарсликда кенг ўрин эгаллаган.

Ақли заиф ўқувчиларни ёзувга ўргатиш қийинлигини инобатга олиб, ишни соддадан мураккабга қараб ташкил этиш муҳимдир. Ёзув дарсларида дастлаб тўғри таёқчалар, илмоқ, овал ва шулар иштирокидаги ҳошияларни ёзишига одат қилиб, сўнгра ҳарф элементлари, бош ва кичик ҳарфлар билан таништирилади. Алифбе дарслигининг хар бир бетида ёзув дарсларида бажариш учун мўлжалланган топшириқлар мавжуд. Масалан, 10 бетни пастки қисмида дафтардаги икки чизиқча орасида нуқталар, таёқчалар, нуқта ва таёқча, квадрат, узун ва калта чизиқлар берилган бўлса, ушбу топшириқлар мураккаблашиб, 13 бетда чизиқларга риоя қилган ҳолда ҳошияларни чизиш учун, кейинчалик эса ҳарф элементлари ва ҳарфларни ёзишига машққилиш учун мўлжалланган материаллар берилган.

Шундай қилиб, хозирги кунда ёрдамчи мактабнинг биринчи синфида ишлатилаётган «Алифбе» дарслиги тахлили шуни қўрсатдики, дарслик дастур асосида, ақли заиф ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятини хисобга олган холда яратилган.

2.3. Ақли заиф ўқувчиларга алифбени ўргатишда олиб бориладиган коррекцион ишлар ишлар холати(таъкидловчи эксперимент таҳлили асосида)

Ақли заиф ўқувчиларга алифбени ўргатишда олиб бориладиган коррекцион ишлар ишлар холатини, бу борада ёрдамчи мактаб бошланғич синф ўқитувчилари иш тажрибасини ўрганиш, кузатиш ишлари Тошкент шахар Хамза тумани 52 сон ақли заиф болалар учун мұлжалланған ихтисослаштирилған мактабининг 1 синфида амалга оширилди. Экспериментда ақли заифликнинг енгил ва ўрта даражасидаги 10 нафар ўқувчи қатнашды.

Ёрдамчи мактаб 1синфи алифбегача даври дастури талабларига риоя қилған холда ўқиши ва ёзув, нутқ ўстиришдарларидан ўқувчиларнинг дастлабки ўқиши ва ёзишга тайёрлаш бүйича олиб борилаётган ишларнинг холатини ўрганиб, таҳлил қилиб чиқдик.

Кузатиш ва текширишлар шуни құрсағатдикі, ўқиши ва ёзув, нутқ ўстириш дарсларидан ўқувчиларнинг савод ўргатишига тайёрлаш ишлари бириңичорак мобайнида амалга оширилар экан.

Оғзаки нутқни ривожлантириш жараёнида, ўқувчиларда сўзлардан тўғри фойдалана олиш кўнимаси катта қийинчиликлар билан шаклланиши, уларни бир бири билан алмаштириб юбориш, бир гурухга мансуб сўзларни бошқа гурухга мансуб сўзлар билан алмаштириб юбориш, антоним, синонимларни фарқига бормаслик, бўғин ёки сўз ичида товушларни тушириб қолдириш, ўрнини алмаштириб юбориш, унли, ундош, жарангли ва жарангиз товушларни алмаштириб юбориш, идрокнинг яхши ривожланмаганлиги, диққатнинг тарқоқлиги, хотиранинг сустлиги, тафаккурнинг талаб даражасида ривожланмаганлиги, яъни боланинг билиш фаоияти яхши ривожланмаганлигини кузатдик. Таъкидловчи экспериментига жалб этилган ўқувчиларнинг хужжатлари,

анамнестик маълумотларини ўрганиб чиқдик, хар бир боланинг тиббий анкетасини, медико-педагогик комиссия хulosасини ўрганиб чиқдик, нутқ картасини тахлил қилдик. Ўқувчиларнинг оиласвий шароитини ўргандик, ота оналари, ўқитувчилари билан сухбатлашдик.

Экспериментда қатнашган барча ўқувчиларни кўйидаги топшириқлар ёрдамида текширдик:

1.Бир бирига ўхшаш пароним сўзларни ўқитувчи кетидан қайтариш(бош-тош,гул-кул,зина-сина,боғ-тоғ каби ва бошқалар)

2.Маълум сўзлар иштирокида гап тузиш,

3.»Тўртинчиси ортиқча»ўйини.

4.Маълум товуш иштирокида сўз топиш.

5.Айтилган товушни бошқа товушлар қаторидан ажратиш.

6.Доира, сурнай. шиқилдоқ каби ва бошқа товуш чиқарувчи ўйинчоқлар кўрсатилди, номи аниқланди.Бола қайси биридан товуш чиқсанлигиникўзини юмиб, эшлишиш йўли билан топиб бериши керак эди.

7.Ўқувчиларнинг тахлил-таркиб қилиш қобилияти кўйидаги усуллар билан текширилди:сўз ичидан маълум товушни ажратиб бериш.Бунинг учун бешта буюм номини ифодаловчи расмлар карточкиси ишлатилди. Бажарилган топшириқлар тўғри бажарди, нотўғри бажарди, бажара олмади деб баҳоланди.

Таъкидловчи эксперименти натижалари шуни кўрсатдиги, ёрдамчи мактаб 1 синф ўқувчилари ўқиши ва ёзишни ўзлаштиришга тайёргарлиги анча паст даражада. Таъкидловчи экспериментга жалб этилган ўқувчиларнинг нутқий идроки,фонематик эшлишиши,анализ-сиинтез қилиш қобилияти, тафаккури, диққати талаб даражасидан анча паст, ривожланиши орқада қолган.Ўқувчиларга топшириқлар соддадан мураккабга қараб чорак бошида, ўртасида ва охирида бажартирилди. Топшириқларни бажариш натижалари деярли бир хил бўлди. Топшириқни бажариш натижалари жадвалга жамлаб олинди.

Жадвал 1.

Збоб Ёрдамчи мактабда савод ўргатиш ишларини таомиллаштириш йўллари.

3.1. Ёрдамчи мактабгача тарбия муассасининг тайёрлов гурухларида ақли заиф болаларни саводга ўргатиш буйича олиб бориладиган коррекцион ишларни таомиллаштириш йўллари.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактабгача тарбия муассасалари, мактаб ва мактаб-интернат, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Мактабгача тарбия муассасасида савод ўргатишга тайёрлаш ишлари кенг тарзда амалга оширилади.

Саводга ўргатиш, савод ўргатишга тайёрлаш, болаларнинг физиологик эшитиш қобилияти, фонематик идрокини устириш масалаларига багишлиланган адабиётлар тахлили шуни курсатадики, бу масала психолог, педагог, мактабгача тарбия мутахасислари, логопед, она тили методистлари томонидан хар томонлама ва кенг урганилган.

Ёрдамчи мактабгача тарбия муассаси тарбиячи ва дефектологларининг иш тажрибасини кузатиш, урганишга бағишлиланган адабиётлар тахлили, таъкидловчи эксперименти натижаларининг тахлили шуни курсатдики, ёрдамчи мактабгача тарбия муассасасида кичик гурухлардан бошлаб, нутқўстириш машғулотларида болаларни савод ўргатишга тайёрлаш ишлари олиб борилади.

Биз уз тадқикотимизда адабиётларни чукур урганиб чикиб, ёрдамчи мактабгача тарбия муассасасида болаларнинг нутқини ўстириш, фонематик идрокни ривожлантириш усулларидан кайси бирларини ўзбек тилининг фонетик, морфологик хусусиятларини хисобга олган холда куллашимиз мумкин эканлигини аниклашга харакат килдик. Бунинг учун ёрдамчи мактабгача тарбия муассасининг максад – вазифалари, ақли заиф болаларнинг узлаштириш қобилиятлари, ушбу муассаса дастурининг

вазифаси ва мазмуни урганилди ва ушбу маълумотларга асосланган холда усуллар саралаб олинди. Саралаб олинган усулларнинг самарадорлиги адабиётларда мутахассисларнинг иш тажрибаларини ёритилишидан аниқланди. Малакавий битирув ишимизни бажариш мобайнида айрим усуллар яхши натижа бермади ва биз факатгина энг яхши натижа берган дидактик уйин, усул ва услубларни методик хуносаларимизга киритдик холос.

Болаларда эшлишиш диккати биринчи навбатда устирилади. Эшлишиш диккати буйича олиб бориладиган ишни авваламбор унга каратилган нуткни эшлишишга ургатиб боришдан иборат булади, чунки бола гапириш, мулокатда булиш коидаларини билмайди.

Аклан заиф болаларнинг билиш фаолиятини тургун бузилганлиги, бола укув фаолиятига яхши кира олмаслигини, диккати таркок, иш кобилияти пастлигини хисобга олиб, биз барча ишларни уйин оркали бошлашни максадга мувофиқ эканлигини аниқладик. Машгулотларда индивидуал ва дифференциал ёндошиш принципига амал килинди. Ҳар бир боланинг узига хос хусусиятлари хисобга олинди. Нуткий идрок, фонематик укувни устириш шакллари В.И. Селиверстовнинг «Игрӯ по логопедических занятиях», М.Ф. Гнездиловнинг «Обучение грамоте учащихся вспомогательной школы», В.В. Воронкованинг «Обучение грамоте и правописанию», В.С. Рахмонованинг «Ёрдамчи мактабда савод ургатиш», Д.Нуркелдиеванинг «Мактабгача ёшдаги болаларнинг нуткий тайёргарлигини аниклаш», Муминова Л.Р., Аюпова М.Ю. ларнинг «Мактабгача ёшдаги болаларни саводга ургатиш» каби ва бошка методикалардан фойдаландик. Нутк устириш ишларини юритишда бизга М.Хамидованинг «Нутк устириш» методик куланмаси катта ёрдам берди.

Фан ва техника юксак суръатлар билан ривожланиб бораётган бир пайтда фактат биз катталаргина эмас, балки болаларга хам борган сари юксак талаблар куймокда ва соглом болалар билан яшайдиган

имкониятлари чекланган, жумладан, ёрдамчи мактаб битиравчиларига хам бу тааллукли. Махсус муассасалардақли заиф болалар уларга берилиши лозим булған билимларни онгли равища да узлаштириб бориши лозим.

Инсоннинг бундан кейинги хаёти, унинг саноат ва кишлок хужалиги соҳасидаги фаолияти идрок килиш кобилиятининг яхши усган булишини, олаётган инфомацияларга иш – харакатлар билан тез жавоб беришни ёшлигииданок устириб бориш лозим. Мободо тугилганидан то 3 ёшигача булған даврда идрокнинг усиши учун оптималь булған муддат турли органик жароҳатланиш натижасида ёки эътибордан тушириб колдиргудек булса, бола акий ривожланишида оркада колиши мумкин, бола унча тулик камол топмаслиги мумкин.

Бола буюмлар, табиат ходисалари, хайвонот ва усимликлар олами, ижтимоий хаёт воеалари билан сезги, идрок, тасаввур, хотира каби сенсор(сензориум – лотинча сезги органлари деган маънони англатади.) жараёнлари ёрдамида танишади ва уларни билиб олади. Нарсаларнинг турли хил ранги, шакллари, катта- кичиклиги ва фазодаги холатини кузи билан куриб, мусика, инсон нутки, нутқдан ташкари товушларни кулоги билан эшитиб, каттик - юмшокликларини, гадир – будурлигини, совук ёки иссиклигини куллари ва териси билан сезиб, турли хидлар ва маъза – тамларини хис килиб, болада аста – секин сенсор тажриба тупланиб боради ва мана шунинг асосида унинг билим доираси кенгаяди. Баъзи болаларда бундай нарсалар узидан - узи тез ва тугри тарзда руй берса, баъзиларида эса катталарнинг таъсирида хосил булади.

Хозирги кунда мактабгача тарбия муассасаларида сенсор тарбияга катта эътибор берилмоқда ва қуп жойларда Монтессори методикаси ишлатилмокда. Ушбу методика махсус муассасаларда пойдевор сифатида ишлатилмокда.

Ёрдамчи мактабгача тарбия муассасининг кичик гурухидан бошлаб савод ургатишга тайёрлаш ишлари болаларни буюмларнинг

номи, шакли, катта –кичиклиги, ранги билан таништириш хамда уларда бу хоссаларни тугри идрок килиш куникмаларини ривожлантириш масалалари сенсор тарбия соҳасига киради. Бу тарбия канчалик тугри хал килинса, болаларнинг факат аклий тарбиясигагина эмас, балки эстетик, жисмоний, ахлокий тарбияси хам муваффакиятли булади, яъни бола умуман самарали ривожланиб боради.

Маълумки, идрок килиш, сезиш натижасида аклий харакатлар – нарса ва ходисаларнинг хусусиятларини анализ хамда синтез килиш, умумлаштириш ва абстракциялаш жараёни юзага келади, бу эса билиш фаолиятининг зарур шарти хисобланади.

Сенсор харакатларнинг ривожланиш даражаси боланинг кобилияtlари шаклланаётганда хамда муаян билимларни эгаллаш жараёнида мухим ахамиятга эга. Бола шакл ва рангни идрок килиш кобилияти ривожланган булса, у теварак – атрофдаги нарсаларнинг хоссаларини хар томонлама кура билади ва хис кила олади. Бу эса уларнинг тасвирлаш, расм чизиш, лойдан, когоз ва матодан киркиб хар хил нарсалар ясаш хамда куриш – ясаш куникмаларини ривожлантиришга имкон беради.

Сенсор жараёнлар, айникса савод ургатишига тайёрлаш даврида алоҳида ахамиятга эга, чунки вокеликдаги нарса ва ходисаларнинг шакли, катта –кичиклиги, ранги ва бошка хоссаларини аник идрок килиш кобилияти айникса хат –саводни узлаштириш учун зарур.

Тадқикот ишлари шуни курсатадики, идрок узига хос мулжалловчи харакатдан иборат фаол жараён булиб, у нарсани текширишга, унинг хусусиятлари ва хоссаларини аниклашга каратилган. Ёрдамчи мактабгача тарбия муассаси тарбияланувчилари буюмлар уртасида, уларнинг шакли, катта –кичиклиги, фазовий холати, ранги ва бошка хоссалари буйича мавжуд булган муносабатни («бир хил» ва «хар хил», «катта ва кичик» муносабатларни) белгилаб чикишни урганиши керак.

Олигофренопсихологларнинг тадқикотлари шуни курсатадики, акли заиф болалар нарсаларни фарклашга, аввало уларнинг шаклига эътибор берадилар, лекин харакатларида буни хали хисобга ола билмайдилар. Улар маҳсус таълим олмасалар, нарсаларни узларича фарклаб, уларнинг асосий хусусиятларини ажрата олмайдилар.

Ёрдамчи мактабгача тарбия муассасида ақлан заиф болаларни идрок килишга ургатиш ишлари нутқ ўстириш машғулотларида, балки параллел равишда кул меҳнати, расм, физкултура, нутқ устириш дасрларида хам амалга оширилади. Бу машғулотларда болаларнинг хам куриш, хам эшитиш идрокини устириш ишларига доир машклар, дидактик уйинлар утказиш тавсия этилади. Юқорида қайд этилган ишлар маҳсус ёрдамчи мактабгача тарбия муассасаларида кичик гурухдан бошлаб нутқўстириш машғулотларида, теварак-атрофни ўрганиш, матиматик тасаввурни шакллантириш, тасвирий фаолият, қўл меҳнати, жисмоний тарбия, ритмика, логопедик машғулотлар ва бошқа турдаги машғулотларда, ўйин фаолиятида амалга оширилади.

Малакавий битириув ишимизни бажариш вақтида биз куйидаги уйинларни ўрганиб чиқдик ва улар савод ўргатишга тайёрлаш даврида самарали таъсир кўрсатиши мумкин деб хисблаймиз:

Нутқдан ташкари товушларни ажрата олишга ургатиш йули билан боланинг эшитиш диккатини устириш. Бунинг учун «уй хайвонлари», «ёввойи хайвонлар» ва «уйинчоклар» каби мавзуларни урганиш жараёнида «Қандай овоз чикаради?» нимани эшитамиз? каби саволга жавоб бериш. Масалан уйинчоклар мавзусидаги нутқ устириш дарсида сурнай, доирачалар чалинади, бола уларни эшитиш йули билан (курмасдан) ажратади, таккослайди ва хакозо.

1. Куриш идрокига асосланган холда унли товушлар ажратиш. Бунинг учун хар бир унли товуш артикуляцияси аникланади, курсатилади, бола уқитувчи кетидан кайтаради, лаблар холати аникланади.

2. Эшитиш идроки асосида унли товушлар ажартиш, масалан а-у товушли сузлар ифодаланган расмларни ажратиб олиш, солишириш, таккослаш ишлари дидактик уйинлар асосида амалга оширилади.

3. Унли товушлар ичидан масалан у товушини ажратиш. У товуши суз бошида, уртасида ва охирида келган предметли расмлар устида ишлаш.

4. Ундош товушлар артикуляциясими аниклаш (аввал бир – биридан кескин фарктанадиган, сунгра ухаш товушларни, масалан: с-л; сунгра с- з)

5. Бугинларни анализ – синтез килиш (расмлар асосида)

6. Сузлар дифференциацияси, масалан гул –кул, бош –тош

Биз ўрганиб чиққан таълим тизимида барча ишлар тугри талаффуз этиладиган товушлар асосида амалга оширилади. Агарда бола талаффузида айрим товушлар бошка товушлар билан алмаштирилиб, нотугри талаффуз килинган булса, дефектолог-логопед болага бу товушларни ургатган ва тарбиячи машғулот жараённида логопед бошлаган ишни мустахкамлаб борадиган бўлиши лозим. Тайёрлов ишлари алифбегача давр учун ажратилган нутқўстириш машғулотлари ичидан амалга оширилади, яъни узок вакт мобайнида ишлар изчиллик билан амалга оширилади. Хар бир боскичда урганилган ишлар пухта мустахкамланганлигидан кейингина янги иш тури ургатилади.

Машгулотларда алоҳида бир товуш ёки бир суз ичидан ажратиб олинган товуш устида иш олиб борилади. Эшитиш идрокини ривожлантириш ишлари товушни хосил килиш, мустахкамлаш, аниклаш вактида хам логопедик машгулотларда изчиллик билан амалга ошириб борилади. Фонемаларни тахлил килиш ишлари маълум кетма – кетлиқда амалга оширилади. Жумладан, аввал:

- а) суз бошидан унли товушни ажратиш (она сузидан а товуши);
- б) икки –уч унли товушлар ичидан унлини ажратиш, масалан аоу;

в) ёпик бугинлар тахлили, масалан ош, ун , ин;

г) очик бугин (бо -ла) тахлили;

Нуткни идрок килиш, товушларни тахлил килишда миянинг аналитико – синтетик фаолияти катта роль уйнайди. Нутк боланинг барча психик жараёнларини тартибга солади: нутк туфайли идрок умумлаштирувчи характерда булади, тасаввур кенгаяди, мнестик фаолият яъни гапириш хотираси кучайиб боради.

Мактабгача ёшдаги ақлан заиф болаларнинг сўзларда товушларни эшитиш ва ажратиш кобилиятини хосил килиш, уларнинг нутқий диккатини ривожлантириш учун биз куйидаги машклар турини куллашни тавсия этардик:

- эшитилаётган товуш, шовкин кайси предметга тегишли эканлигини аниклаш;
- кайси хайвоннинг овози эканлигини аниклаш ва унга таклид килиш;
- дустларини овозини топиш;
- товушлар каторида айтилган товуш бор – йуклигини аниклаш;
- товушлар каторида айтилган товуш турини аниклаш;
- айтилган товушлар сонини аниклаш;
- товушлар каторида кайси товуш йук булиб колганлигин, кайси товуш яна пайдо булганлигини аниклаш;

Бугинлар тахлили:

- а) берилган бир хил бугинлар каторида кайси бир бугин ортикча эканлигини аниклаш:

Ло ло ло

ло ло ло ла

Ло ло ло

ло ло ло ло

Ол ол ол ин

ма ма ма са

б) Очик бугинларда товушларни аниклаш:

- берилган товуш айтилган кайси сузлар ичида борлигини аниклаш;
- товушни суздаги урнини аниклаш (бошида, уртасида охирида)
- расмда тасвирланган буюмларни номлаш ва шу сузлар ичида урганилаётган товуш бор- йуклигини аниклаш;
- урганилаётган товуш сузни бошида, уртасида ёки охирида учраган сузларни аниклаш;
- содда суздаги товушларни аниклаш;
- суздаги бугин , товушлар сонини аниклаш;

У ёки бу товушни урганиш учун факат унинг узини тугри талаффуз килиб колмай, балки бугин ва сузларда тугри, аник килиб талаффуз килишни ургатиб бориш мухим. Бунда мухими шундаки, бола товушни талаффуз килиб туриб, узини талаффузига танкидий муносабатда ёндашишини, узини назорат килиб туришини билиши керак. Бунинг учун асосий диккатни урганилаётган товуш артикуляциясини аниклашга, артикуляцион машкларни танлашга каратилади. Товушлар постановкаси, автоматизацияси, дифференциясини утказишда, шулар устида ишлашда дефектолог-логопедга тарбиячи ва ота-оналар катта ёрдам курсатиши талаб этилади.

Максаддан келиб чиккан вазифаларни, ёрдамчи мактабгача тарбия муассасининг тайёрлов гурухи тарбияланувчилари оғзаки нутқи, нуткий идроки, фонематик эшитишини, анализ-синтез қилиш қобилияти, шакл ва рангларни ажрата олиши қай холатда эканлигини аниклаб, савод ургатиш даврида фонематик эшитишини ривожлантириш ишларида кулланиладиган усуллар урганилди хамда ушбу жараённи такомиллаштириш нинг баъзи бир йўллари аниқланди, ўрганилди.

Ўйин фаолиятининг таркибий қисмини психик жараёнлар ташкил этади" деб хисоблайди Ф.Н.Гоноболин. Ўзининг "Психология" китобида у "ўйин теварак-атрофни идрок этишга, хис қилишга, идрок, нутқ,

тафаккурни ўстиришга, ташаббускорлик, ижобий хис туйғуларни хосил қилишга хизмат қилади" деб ёзган.

Г.И.Шукина ўзининг "Ўқувчиларнинг ўқув жараёнида билим олиш фаолиятини фаоллаштириш" номли китобида ўқув жараёнида ижодий фаолиятнинг мухимлигини ва ўқитувчи ушбу муаммоларни амалда тўгри ечимини топа олиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Ўқиш давомида қизиқишининг мавжудлиги-билим олишга бўлган иштиёқнинг ривожлантирилишига боғлиқ. Дидактик ўйин-қизиқтириб ўқитиш ва ривожлантириш мақсадларига эришиш воситаларидан биридир.

В.П.Грошенко ва И.А.Степановларнинг кўрсатишлари бўйича ўйин фаолияти ўқув жараёнини фаоллаштиришга имкон яратади, болаларда кузатувчанглиқ, дикқат-эътибор, хотира, фикрлаш қобилиятлари ривожланиб боради. Ўйин фаолияти илгари ўзлаштирилган билимларни назорат қилиб, такрорлаш, мустахкамлаш, чукурлаштириш учун хам хизмат қилади.

Ёрдамчи мактабда савод ўргатиш даврида ўқиши ёзиш дарсларида ўқитувчи дарснинг мақсади, мазмуни, ўқувчиларнинг билим савияси, дарсда ишлатиладиган усулларни хисобга олган холда дидактик ўйин, топишмоқ, викторина, ребус ва бошқалардан мосини танлаб ишлатиши мақсадга мувофиқ.

Дидактик ўйинлар дарснинг хар қандай босқичида ишлатилиши мумкин.

Таълим фаолиятида дидактик ўйинлар ўқувчиларда она тили дарсларида билимларни англаш, ўзлаштиришнинг психологик негизини шакллантириш, билим олишга бўлган эҳтиёжнинг янги йўлларини топишга имкон яратиб, уларни янги фаолият-ўқув фаолиятига чорлайди деб хисоблайдилар..

«Ўйин фаолияти ўқув фаолияти билан узлуксиз боғлиқ бўлиб, унинг имкониятларини оширади ақлан заиф ўқувчини билиш фаолиятини

коррекциялаш, ривожлантиришининг мухим манбаларидан бирига айланади»

Хар бир дарсда ўйин шарти тушунтирилгач, уни ўқувчилар билан биргалиқда күрсатиб туриб бажариш, сўнгра болаларга бажартириш мақсадга мувофиқдир

Ўйиннинг самарадорлиги кўп жихатдан ўқитувчининг кайфияти, муносабати, эмоционал холатига, ўйин натижаларига бўлган қизиқишига боғлиқ.

Айтилган товушни бошка товушлар каторидан ажратиш учун бола кулига байрокча берилади. Хозир мен товушларни айтаман, сен эса шулар ичида товушни эшитганингда байрокчани кутар каби топширик берилади.

Нутқдан ташкари, нуткий булмаган товушларни талафуз этиш:
(кучук, сигир, машина, тасвирланган расмлар берилади)

Товушларни айтаман, сен эса шулар ичида с товушини эшитганингда байрокчани кутар каби топширик берилади.

Доира, сурнай, шикилдок, овоз чикарувчи уйинчоклар курсатилади, буюм номи номланди, товуши эшиттирилди. Бола карамай турганида товуш чикарилади.

Болаларнинг анализ – синтез килиш малакалари куйидаги топшириклар асосида шаклланади:

-Суз ичидан маълум товушни ажратиб бериш. Бунинг учун бешта предметли расмлар карточкаси ишлатилади. Иккита сузда с товуши иштирок этган, з сузни ифодаловчи карточкалар номида, з, ё, ж товушлари иштирок этган.

-С товуши сузнинг бошида, уртасида, охирида эканлиги аникланади.

-Номида маълум товуш иштирок этган суз ифодаланган расмларни ажратиш;

-Номида маълум товуш учрамайдиган сузлар ифодаланмаган расмлар ажратиш;

-Маълум товуш иштирокидаги суз топиш;

Шундай килиб, савод ургатишга тайёрлаш, савод ўргатиш жараёнидаги ишларининг самарадорлигини ошириш учун аввалом бор амалиётда бу ишлар холати ўрганилиши керак экан. Биз битирув малакавий ишимизни бажариш жараёнида маҳсус ёрдамчи мактабгача тарбия муассасаларида савод ўргатишга тайёрлаш масалаларини адабиётларда ўрганиб чиқиб, сўнgra тақкидловчи экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш йўли билан бу борада амалиётда ёрдамчи мактаб ўқитувчиларининг иш тажрибаларини ўргандик. Таъкидловчи эксперимент натижалари асосида савод ўргатишга тайёрлаш ишларини такомиллаштиришнинг айрим йўлларини аниқлаб олиш имкониятига эга бўлдик. Мактабгача тарбия муассасаларида савод ўргатишга тайёрлаш мақсадида ишлатиладиган усул ва йўллар ёрдамчи мактабнинг биринчи синфида пропедевтик даврда барча ўқув предметларида ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса

Ақли заиф болалар учун мүлжалланган ихтисослаштирилган мактабда савод ўргатиш ишлари алифбегача давр ва алифбе даврида ақли заиф ўқувчиларнинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларини хисобга олган холда коррекцион йўналишда амалга оширилади. Ушбу турдаги муассасаларнинг асосий вазифаси – болаларни мустакил хаётга тайёрлаш, уларнинг ижтимоий адаптациясини амалга ошириш. Ақли заиф болалар укиш ва ёзишни, математика, тарих, табиатшунослик, география каби ва бошқа ўқув фанларни урганадилар. Мактабга келиб бола аввалам бор саводни ўрганади.

Ёрдамчи мактабда савод ургатиш ишлари яхши йулга куйилган булсада, бу борада хали хам купгина кийинчиликлар кузатилмокда. Бошланғич мактабда болаларга савод ургатиш масалаларига багишлиланган тадқикотлар, илмий ва методик адабиётлар талайгина.

Бироқ ақли заиф болаларни савод ўргатишга коррекцион ишлари амалга ошириш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Адабиётлар тахлили шуни курсатадики, савод ургатиш даврида кузатиладиган кийинчиликларни қўпи ақли заиф бола билиш фаолияти бузилганлиги натижасида оғзаки нуткни яхши шаклланмаганлиги ва нуткни идрок этиш кобилияти, яъни фонематик эшитишнинг яхши ривожланганлигидан кузатилар экан.

Ёрдамчи мактабгача тарбия муассасида аклан заиф болаларни савод ўргатишга тайёрлаш ва саводга ўргатиш борасида амалиётчиларни ютуқ ва камчиликлари адабиётларда ўрганиб чиқилди, муаммонинг амалдаги холатини кузатиш, тахлил қилиш ишлари амалга оширилди.

Малакавий битирув ишини бажариш учун олиб борилган илмий тадқиқот ишлари юзасидан куйидаги хулосаларга келинди:

-Адабиётларда савод ўргатиш масалалари бошланғич мактаб методистлари, педагог ва психолог олимлар томонидан ўзбек ва рус тилида кенг ёритилган;

- Ақли заиф болаларни саводга ўргатиш масалалари рус тилидаги адабиётларда олигофренопедагог, олигофренопсихолог, она тили маҳсус методистлари томонидан, маҳсус мактабгача тарбия муассасидаги ишлар жараёни билан шуғулланадиган олим ва мутахассислар томонидан хар томонлама, кенг ўрганилган ва чоп этилган.

- Ўзбек тилида ақли заиф болаларни савод ўргатишга тайёрлаш борасида коррекцион ишларни амалга ошириш йўл ва усуллари масалалари адабиётларда кам ёритилган, маҳсус амалий характерга эга бўлган методик кўлланмалар ишлаб чиқилмаган.

- Маҳсус ёрдамчи мактабгача тарбия муассасаларида савод ўргатишга тайёрлаш ва савод ўргатиш ишлари рус тилида яратилган адабиётлар асосида амалга оширилмоқда. Ишни олиб бориш жараёнида тарбиячи ва дефектологлар ўзбек тилининг фонетик, морфологик ва бошқа томонларини талаб даражасида хисобга олиш имкониятига эга эмаслар.

Ақли заиф болалар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактабда ўқийдиган ўқувчиларнинг кўпчилигида марказий нерв системасининг органик жарохатланиши натижасида билиш фаолияти турғун бузилган, уларнинг барча психик жараёнлари ривожланмаган бўлади. Натижада саводни ўрганиш жараёнида билиш фаолиятидаги камчиликлар ўз таъсирини қўрсатади. Коррекцион ишлар жараёнида ўқучиларнинг тафаккури, идроки, хотираси, диққати, нутки, тасаввури, хиссиёти ва бошқа психик жараёнлари ривожлантирилади. Савод ўргатиш ишлари коррекцион ишлар билан биргаликда амалга оширилиши лозимлиги адабиётлар тахлили ва ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш натижасида аниқланди. Психологик ва

педагогик адабиётларда ақли заиф боланинг билиш фаолиятини коррекциялаш, ривожлантиришда дидактик ўйинларнинг ахамияти кенг тарзда ёритилган.

Савод ўргатиш дарсларида дидактик ўйинлар болада янги билимларни эгаллашга қизиқиши уйғотади, уларнинг мустақиллигини таркиб топтириб боради.

Шундай қилиб, ақли заиф ўқувчиларга алифбени ўргатишда олиб бориладиган коррекцион ишлар ёрдамчи мактабда 1 синфда савод ўргатишига тайёрлаш ва савод ўргатиш даврида ақли заиф болаларнинг психофизик ривожланишидаги хусусятларидан келиб чиқади. Ёрдамчи мактабда савод ўргатиш ишлари коррекцион ишлар билан кўшилган холда амалга оширилади. Савод ўргатиш ишларини такомиллаштириш учун дидактик ўйинлардан унумли фойдаланиш, дарснинг мавзуси, таълимий, тарбиявий вазифаларидан келиб чиқсан холда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш, ундағи камчиликларни коррекциялаш мухим ахамиятга эга.

Адабиётлар тахлили шуни кўрсатди, таълим тарбия жараёнида ўқувчилар турли усуллар ва йўллар билан саводга ўргатилади. Ақли заиф болалар билиш фаолияти яхши ривожланмаганлиги туфайли, уларда иккиласми ходиса сифатида нутқий ривожжанишининг бирмунча орқада колиши кузатилади. Шунинг учун хам ушбу тоифадаги алоҳида ёрдамга муҳтож болалар билан ишлаш жараёнида уларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш, коррекциялаш, нуткини устириш ишларига нихоятда катта эътибор берилади.

Ёрдамчи мактаб бошлангич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятидаги камчиликларини коррекциялаш, уларнинг таълим олишини фаоллаштиришнинг энг кулай йўлларидан бири бу дидактик ўйинлардир. Биз ўз битирув малакавий ишимизда ёрдамчи мактабда 1 синфда савод ўргатишдаврида коррекцион ишларнинг айрим томонларини ёритиб беришга харакат қилдик. Кейинги тадқиқот ишларимизда биз ушбу

муаммонинг бошқа томонларини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Ташкент "Ўзбекистон" 1997
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч, Ўзбекистон", Т.:2008
3. Ўзбекистон Республикасида Кадрларни тайёрлаш миллий дастури.Т.: 1997
4. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғриси"даги Қонуни
5. Айтметова С.Ш.Олигофренопедагогика. "Ўқитувчи" Т.: 1994.
6. Ашрапова Т., Одилова М. Она тили методикаси-Т.,1984
7. Абдуллаева К. Савод ўргатиш.-Т.,Ўқитувчи ,1996
8. Аксёнова А.К.Методика обучения русскому языку во вспомогательной школе.-М.,Просвещение,1986
9. Виготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. М.,Просвещение, 1991
10. В.В.Воронкова Обучение грамоте и правописанию в 1-4 классах вспомогательной школы. Москва, Просвещение,1988
11. Дульнев Г.М.Учебно-воспитательная работа во вспомогательной школе. М.,Просвещение, 1982
12. Косимова К. Бошланғич синфларда она тили ўқитиши методикаси.-Т.,”Ўқитувчи, 1985
13. Обучение учащихся 1-4 классов во вспомагательной школе/Под редакцией Петровой В.Г. Москва, Просвещение, 1982.
14. Ёрдамчи мактаблар учун она тили, ўқиш ва нутқўстириш дастури ./тузувчи В.Рахманова,ХТВ РТМ, Т.,2007

15. Леонтьев А.Н. Избранные психологические призведения. М., Педагогика, 1983.
16. Михайлова З.А. Игровые занимательные задачи для школьников. М., 1985
17. Пулатова Ф.Махсус педагогика(Олигофренопедагогика) Т, “Фофор Ғулом” нашриёти, 2006
18. РахмановавВ.С.Ёрдамчи мактабда савод ўргатиш Т.,1988
19. РахмановаВ.С. Она тили ўқитиши махсус методикаси. “Молия-Иқтисод” нашриёти, Т.:2007
20. Смирнова А.Н. Коррекционно-воспитательная работа учителя вспомогательной школы.-М.:1985